



ЎЗБЕКИСТОНДА БАРҚАРОР ИҚТИСОДИЙ ЎСИШНИ ТАЪМИНЛАШДА ИНВЕСТИЦИЯЛАРНИНГ РОЛИ

Ташмухамедова Маҳина

Тошкент давлат иқтисодий университет

ORCID: 0009-0003-6002-1620

maxinatashmuxamedova@gmail.com

Аннотация. Мақолада Ўзбекистонда барқарор иқтисодий ўсишни таъминлашда инвестицияларнинг роли ёритиб берилган ва хорижий инвесторлар учун янги имкониятлар яратилаётганлиги ҳамда бу соҳани янада ривожлантириш бўйича таклиф ва тавсиялар берилган.

Калит сўзлар: инвестиция, самарали инвестиция сиёсати, инвестиция лойиҳалари, хорижий инвестициялар, асосий ва айланма капитални тиклаш, иш ўринларини яратиш, инфраструктура, қулай инвестицион муҳит, тўғридан-тўғри инвестициялар, халқаро молия институтлари, халқаро инвестиция форуми, аҳоли фаровонлиги.

РОЛЬ ИНВЕСТИЦИИ В УСТОЙЧИВОМ РАЗВИТИЕ ЭКОНОМИКИ УЗБЕКИСТАНА

Ташмухамедова Маҳина

Ташкентский государственный экономический университет

Аннотация. В данной статье рассмотрены вопросы роль инвестиции в устойчивом развитие экономики Узбекистана и созданные благоприятные инвестиционной среды, а также даны ряд предложении для дальнейшего развития этой сферы.

Ключевые слова: инвестиция, благоприятная инвестиционная среда, инвестиционные проекты, иностранные инвестиции, восстановить основного и оборотного капитала, создание рабочие места, инфраструктура, прямые иностранные инвестиции, международные финансовые институты, международный инвестиционный форум, благосостояния населения.

THE ROLE OF INVESTMENTS IN ENSURING SUSTAINABLE ECONOMIC GROWTH IN UZBEKISTAN

Tashmukhamedova Makhina

Tashkent State University of Economics

Abstract. This article highlights the role of investments in ensuring sustainable economic growth in Uzbekistan. It discusses the new opportunities being created for foreign investors and provides suggestions and recommendations for further development of this sector.

Keywords: investment, effective investment policy, investment projects, foreign investments, restoration of fixed and working capital, job creation, infrastructure, favorable investment climate, foreign direct investments, international financial institutions, international investment forum, public welfare.

Кириш.

Маълумки, бугунги кунда барча соҳада белгиланган вазифа ва мақсадларга иқтисодий барқарорликни таъминламасдан туриб эришиш қийин. Шу боис мамлакатимиз иқтисодий салоҳиятини юксалтириш учун Ўзбекистоннинг инвестициявий жозибадорлигини ошириб, иқтисодиётга инвестицияни кенг жалб этиш муҳим аҳамиятга эга.

Ушбу мақсадга эришиш учун 2030 йилгача 250 млрд.доллар инвестицияни ўзлаштириш, жумладан, бунда 110 млрд.долларни хорижий инвестициялар ҳисобига ўзлаштириш, 40 млрд.долларни давлат-хусусий шериклик доирасида жалб этиш мақсад қилинган. Негаки, катта миқдорда маблағлар кириб келса, янги-янги ишлаб чиқариш объектлари иш бошлайди, кўплаб иш ўринлари яратилиб, камбағаллик қисқаради.

Иқтисодий ўсишга эришишда инвестицияларнинг барча манбаларидан фойдаланиш зарур (бюджет маблағлари, ташқи кредитлар, тўғри инвестициялар, корхона ва аҳоли маблағлари ва бошқалар).

Адабиётлар шарҳи.

Иқтисодиёт фанида инвестиция тушунчасига турли таърифлар берилган. Жумладан, Гораций Мозес (1996) томонидан АҚШ да 1919 йилда яратилган Амалий иқтисодиёт ўқув қўлланмасида – инвестиция (investment): пулдан товар ёки хизматлар ишлаб чиқаришга мўлжалланган реал капитал (асбоб-ускуна, анжом, янги дастгоҳ, ишлаб чиқариш бинолари сотиб олиш учун фойдаланиш). Академиклар Ғуломов ва Шарифхўжаевларнинг (2002) умумий таҳрири остида чоп этилган “Бозор иқтисодиёти назарияси ва амалиёти” дарслигида: “инвестиция” тушунчаси қатор маъноларга эга бўлиб, молиявий натижаларга эга бўлиш мақсадида, облигация сотиб олишни англатади. Кенг маънода инвестициялар мамлакат иқтисодиётини ўстириш ва ривожлантириш учун зарур бўлган механизмларни таъминлайди...инвестициялар капитал қийматининг ўсишини ва даромад келтиришини таъминлайди. Шодмонов, Алимов, Жўраевлар (2002) томонидан чоп этилган “Иқтисодиёт назарияси” ўқув қўлланмасида: Инвестициялар мамлакат миқёсида кенгайтирилган такрор ишлаб чиқариш объектлари қуриш, станок, ускуна ва шу каби узоқ муддатли фойдаланиладиган асосий капиталларни сотиб олиш, ишга тушириш билан боғлиқ сарфларни билдиради.

Инвестициялар – асосий ва айланма капитални тиклаш ва кўпайтиришга, ишлаб чиқариш қувватларини кенгайтиришга қилинган сарфларнинг пул шаклидаги кўринишидир. У пул маблағлари, банк кредитлари, акция ва бошқа қимматли қоғозлар кўринишида амалга оширилади (Шодмонов ва бошқ., 2002).

Рустомова (2006) “Иқтисодиётни эркинлаштириш шароитида хорижий инвестицияларни жалб этишнинг назарий асослари ва устувор йўналишлари” Ихтисослик: 08.00.01-Иқтисодий назария, Иқтисод фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертациясида: “Инвестициялар – қонун билан тақиқланмаган барча тадбиркорлик фаолиятларига жисмоний ва юридик шахслар ҳамда давлат томонидан даромад ёки ижтимоий самара олиш мақсадида муайян муддатга сарфланадиган барча мулкӣ, молиявий ва интеллектуал бойликдир” деб, айтилган.

Вахобов, Хажибоқиев, Муминовлар (2010) томонидан 2010 йилда чоп этилган “Хорижий инвестициялар” ўқув қўлланмасида: “ Инвестициялар – фойда олиш ҳамда ижобий самарага эришиш мақсадида тадбиркорлик объектларига ва бошқа фаолият турларига қўйиладиган пул маблағлари, банкларнинг мақсадли омонатлари, акциялар, бошқа қимматбаҳо қоғозлар, технологиялар, машиналар, ускуналар, лицензиялар, кредитлар, ҳар қандай бошқа мол-мулк ёки мулкӣ ҳуқуқлар, интеллектуал бойликлар” деб, таъриф берилган.

“Мамлакатимизга киритилаётган хорижий инвестицияларда давлат кафолатининг камайиб боришини хорижий сиёсатга бўлган ишонч ортиб бораётганлиги билан изоҳлаш мумкин. Шу билан бирга иқтисодийни модернизациялаш шароитида давлат томонидан иқтисодий манфаатли бўлмаган лойиҳаларни молиялаш тўхтатилди. Ҳукумат томонидан фақат иқтисодий манфаат чегараланган ёки умуман бўлмаган ижтимоий муҳим лойиҳалар кафолатланади. Булар, биринчи навбатда, сув таъминоти, таълим ва соғлиқни сақлаш, транспорт ва алоқа инфраструктураси соҳаларидаги лойиҳалардан иборат...Ўзбекистон Республикасининг инвестиция сиёсати нафақат капитал қўйилмалар ҳажмини кўпайтириш, балки такрор ишлаб чиқариш таркибини такомиллаштириш, инвестицияларни нисбатини самарали ва рақобатбардош тармоқларга йўналтиришни кўзда тутди” (Вахобов ва бошқ., 2010).

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев (2024) таъбири билан айтганда, инвестициялар – бу мамлакатимиз трансформациясининг локомотиви ва иқтисодий тараққиётимизнинг мустаҳкам драйверидир.

Тадқиқот методологияси.

Тадқиқот жараёнида мантиқий абстракция ва дедукция, тизимли таҳлил, статистик таҳлил усулларида кенг фойдаланилган. Тадқиқотнинг услублари илмий-амалий аҳамиятга эга бўлган йўналишлари диалектик метод асосида шакллантирилган.

Таҳлил ва асосий натижалар муҳокамаси.

Мамлакатимиз Президенти Ш.Мирзиёев 2018 йил 28 декабрда Олий Мажлисга тақдим этган Муражаатномасида шундай таъкидлайди: “Жахон тажрибаси шуни кўрсатадики, қайси давлат фаол инвестиция сиёсатини юритган бўлса, ўз иқтисодийини барқарор ўсишига эришган. Шу сабабли ҳам инвестиция – бу иқтисодий драйвери, ўзбекча айтганда, иқтисодийнинг юраги десак, муболаға бўлмайди. Инвестиция билан бирга турли соҳа ва тармоқларга, ҳудудларга янги технологиялар, илғор тажрибалар, юксак малакали мутахассислар кириб келади, тадбиркорлик жадал ривожланади (Мирзиёев, 2024).

Мамлакатимиздаги инвестиция жараёнларининг такомиллашиб бораётганлигини намоён этувчи жиҳат – давлат бюджетидан молиялаштириш таркибидаги нисбатларнинг сезиларли даражада ўзгариб бораётганлиги ҳи-собланади. Инвестиция жараёнларига давлат бюджетидан молиялаштирилган маблағлар динамикаси охириги олти йилликда (2019-2024 й.й.) шуни кўрсатадики, агар 2019 йилда давлат бюджетидан молиялаштирилган маблағларнинг 29,3 % республика бюджети, 70,7 % маҳаллий бюджет ҳисобига таъминланган бўлса, 2020 йилда бу кўрсаткич 34,6 % ва 65,4 %ни, 2021 йилда 38,1 % ва 61,9%ни, 2022 йилда 40,8%ни ва 59,2 %ни, 2023 йилда 33,6 % ни ва 66,4% ни 2024 йилда эса бу нисбат тегишли равишда 24,1 %ни 75,9 ни ташкил этди (Ўзбекистон Республикасининг иқтисодий-ижтимоий ҳолати, 2024).

Бу юқорида келтирилган маълумотлар инвестиция жараёнларини молиялаштиришда маҳаллий бюджетларнинг иштироки ва роли кенгайиб бораётганлигини кўрсатади.

Агар 2019 йилда корхона ва аҳоли маблағлари ҳисобидан инвестиция жараёнларини молиялаштириш барча инвестицияларнинг 29,3 фоизини ташкил этган бўлса, 2024 йилга келиб 24,1 фоизга етди, давлат бюджетидан молиялаштириш эса мос равишда 5,8 фоиздан 4,6 фоизга пасайди.

1-жадвал

Инвестицияларнинг молиялаштириш манбалари бўйича 2000-2024 йиллардаги таркиби (жамига нисбатан фоизда)

Кўрсаткичлар	Йиллар											
	2000	2010	2015	2016	2017	2018	2019	2020	2021	2022	2023	2024
Жами инвестициялар	100,0	100,0	100,0	100,0	100,0	100,0	100,0	100,0	100,0	100,0	100,0	100,0
Давлат бюджети	29,2	7,8	4,8	4,6	5,5	3,8	7,6	6,5	8,8	7,8	5,8	4,6
Корхоналар маблағи	27,1	42,5	39,0	40,0	43	41,3	20,7	25,7	29,1	31,3	24,1	17,6
Аҳоли маблағи	12,0	11,1	13,1	13,2	15,0	16,4	8,6	8,9	9,0	9,5	9,5	6,5
Банк кредитлари	7,2	9,1	11,7	12,9	11,0	12,8	13,1	14,1	8,0	7,8	6,3	3,0
Хориж инвестициялари ва кредитлари	23,2	28,8	20,1	21,9	20,4	20,2	30,0	42,9	42,7	41,6	53,4	67,6
Бюджетдан ташқари фондлар	1,3	7,0	11,3	6,4	5,1	5,5	4,3	1,9	2,4	2,0	0,9	0,7

Манба: Ўзбекистон Республикаси Давлат Статистика қўмитасинини 2000-2024 йиллардаги маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилди.

Инвестициялар иқтисодий ўсиш ва иқтисодиётни ривожлантиришни таъминлашнинг асосий омилларидан бири ҳисобланади. Ўзбекистонда кейинги йилларда инвестиция жараёнларининг фаоллашуви кузатилди. Масалан, барча молиялаштириш манбалари ҳисобидан асосий капиталга сарфланган инвестициялар 2017 йилда 60,7 трдн.сўм, 2018 йилда 107,5 трлн.сўм, 2019 йилда 195,9 трлн.сўм, 2020 йилда 210,2 трлн.сўм, 2021 йилда 239,6 трлн.сўм, 2022 йилда 266,2 трлн.сўмни, 2023 йилда 352,1 трлн.сўм, 2024 йилда эса 493,7 трлн.сўмни ташкил этди. (2-жадвал)

2 -жадвал

Ўзбекистон ЯИМ, Инвестиция ҳажми ҳамда ЯИМ таркибида инвестиция улушининг 1995-2024 йиллардаги динамикаси

Йиллар	ЯИМ млрд.сўм	Инвестиция млрд.сўм	ЯИМ таркибида инвестициянинг улуши, %
1995	302.8	88.9	29.4
2000	3256	637.2	22.9
2005	15923	4465.9	28.0
2010	62388	169568.3	24.6
2015	171369	40737.3	24.0
2020	605514,9	210200,0	34,7
2021	738425,2	266200,0	36,0
2022	896617,9	269857,5	30,0
2023	1066569,0	352100	33,1
2024	1454573,9	493652	29,4

Манба: Ўзбекистон Республикаси Давлат Статистика қўмитасинини 2000-2024 йиллардаги маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилди.

Кейинги олти йилда, яъни 2019-2024 йилларда асосий капиталга инвестициялар ўсиш суръатлари динамикасига назар солсак, у қуйидагича бўлган. 2019 йилда 2018 йилга нисбатан 138,1 %, 2020 йилда 2019 йилга нисбатан 95,6 %, 2021 йилда 2020 йилга нисбатан 102,9%, 2022 йилда 2021 йилга нисбатан 100,2%, 2023 йилда эса 2022 йилга нисбатан 123,4%, 2024 йилда эса 127,6 % ни ташкил этган.

2024 йилнинг январь-декабрь ойларида жами инвестициялар ҳажмида, марказлашган молиялаштириш манбалари ҳисобидан молиялаштирилган асосий капиталга инвестицияларнинг улуши 2023 йилга нисбатан 3,5% пунктга камайиб, 10,5% ни ёки 51,9 трлн.сўми ташкил этди. Мос равишда марказлашмаган молиялаштириш манбалари ҳисобидан 441,8 трлн.сўм ёки жами инвестицияларнинг 89,5% ўзлаштирилиб, 2023 йилга нисбатан 3,5 % пунктга кўпайди.

2024 йилнинг январь-декабрь ойларида асосий капиталга инвестицияларнинг 75,9 %и ёки 374,7 трлн.сўми жалб этилган маблағлар ҳисобидан молиялаштирилган бўлса, корхона, ташкилот ва аҳолининг ўз маблағлари ҳисобидан 24,1 % ёки 119,0 трлн.сўм молиялаштирилди (Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий-иқтисодий ҳолати, 2025).

2023 йилда Республикада тўғридан тўғри хорижий сармоя ва кредитлар ҳисобидан Сирдарё, Сурхандарё, Бухоро вилоятларида электр станциялари қурилиши, Қорақалпоғистон Республикасида Тебинбулоқ темир руда кони ўзлаштирилиши ҳамда ишлаб чиқариш ва металлургия мажмуаси барпо этилиши, Тошкент вилоятида “Ёшлик-1” конида амалга оширилаётган лойиҳаларнинг мамлакатимиз иқтисодиётини янада ривожлантиришдаги ҳиссаси катта.

“Ёшлик-1” мажмуаси қурилишида 23 минг ишчи ва ходим меҳнат қилмоқда, 500 дан ортиқ махсус техникалар кучидан унумли фойдаланиляпти. “Ёшлик-1” кони ва 3-мис бойитиш фабрикаси қуриб битказилгач 6 мингдан зиёд янги иш ўринлари яратилади. Шунингдек, Давлат бюджетига йилига қўшимча 300 млн.долларга тенг солиқ тушумлари тўланиб, экспортга маҳсулот чиқариш ҳажми 500 млн.доллардан ошади.

Муҳими, бундай мисоллар жуда кўп. Хорижий инвестициялар жўғрофиясига назар ташласак, 2023 йили жами ўзлаштирилган чет эл сармояларининг 25,6 фоизи ёки 48,1 трлн.сўми Хитой хиссасига тўғри келди. Россия бу борада (13,4 фоиз) иккинчи, Туркия эса (6,4 фоиз) учинчи бўлди.

Юртимиз ҳудудлари миқёсида асосий капиталга ўзлаштирилган инвестициялар ҳажми бўйича юқори учликни Тошкент шаҳри (67,9 трлн.сўм), Тошкент вилояти (44,4 трлн.сўм) ҳамда Бухоро вилояти 31,3 трлн.сўм) эгаллади.

Бундай юқори инвестициявий фаоллик туфайли, жумладан, Тошкент шаҳрида кўп тармоқли клиника, жойларда йилига 21,4 минг тонна биаксиал асосидаги полипропилен плёнка ишлаб чиқариш корхонаси, йиллик қуввати 2,5 млн.тонна тола тайёрлашга мўлжалланган фабрика, 2 минг тонна базальт толаси ишлаб чиқариш қувватига эга завод ва бошқалар ишга туширилди (Абдусаломова, 2024) .

Президентимизнинг сайловолди дастурида 2030 йилгача 250 млрд. доллар инвестицияларни ўзлаштириш, жумладан, бунда 110 млрд. долларни тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ҳисобига, 40 млрд. долларни давлат-хусусий шериклик доирасида жалб этиш мақсад қилинган.

Қулай сармоявий муҳит яратиш борасидаги ислохотлар самарасида кейинги 5 йилда иқтисодиётга жалб этилган хорижий инвестиция ҳажми 10 баробар ортиб 40 миллиард доллардан зиёдни ташкил этди.

Иқтисодиётга хорижий инвестицияларни жалб этишнинг аҳамияти қуйидагилар билан изоҳланади:

- хорижий инвестициялар ишлаб чиқаришга замонавий, янги техника ва технологияларни жорий этиб, экспортга мўлжалланган маҳсулотларни ишлаб чиқаришни ривожлантириш имкониятини беради;

- импорт ўрнини қопловчи товар ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш пировардда аҳоли турмуш даражаси ошишига имкон беради;

- кичик ва хусусий бизнесни ривожлантириш ва қишлоқ хўжалигининг қайта ишлаш даражасини ошириш орқали янги иш жойлари яратилади;

- корхоналарнинг эскирган ишлаб чиқариш қувватлари, моддий – техника базаси янгиланади;

-табiiй хом-ашё ресурсларини қайта ишлаш имкониятлари кенгайди ва ҳ.к.

Президентимизнинг саъй-харакатлари, мамлакатни барқарор ривожлантириш йўлида қабул қилаётган қарорлари натижасида Ўзбекистонимиз минтақада чет эл компаниялари учун энг ишончли ҳамкорга айланди. Бунининг биринчи Тошкент халқаро инвестиция форумида 56 давлатдан 1,5 мингдан ортиқ, иккинчи форумда 70 мамлакатдан 2,4 мингдан зиёд бизнес ва молия соҳаси вакиллари иштирок этган бўлса, 2024 йилги учинчи форумда (2-3 май) 93 та давлатдан 2,5 мингдан кўп қатнашчилар иштирок этгани ҳам яққол тасдиқлайди.

Шуни ҳам эслатиб ўтиш жоизки, 2022 йилдаги биринчи Тошкент халқаро форумда 7,8 млрд. долларлик 105 та ҳужжат, 2023 йилдаги форумда 11 млрд. долларлик 164 та битим ва шартномалар ва 2024 йилдаги Учинчи Тошкент форумда қиймати 26,6 млрд.доллар бўлган келишувлар имзоланган эди.

Жаҳон ҳамжамияти эътиборида бўлган бу 2024 йилги 2-3 май кунлари бўлиб ўтган учинчи форумда ҳам Президентимиз томонидан муҳим ва амалий таклифлар илгари сурилди. Хусусан, мамлакатимизда инвестиция ва бизнес муҳитини тубдан яхшилаш, бу йўлдаги тўсиқларни босқичма-босқич бартараф этиш учун ташланган қатъий қадамлар санаб ўтилди.

Форум доирасида Европа тикланиш ва тараққиёт банки билан Ўзбекистоннинг йирик банкларидан бири бўлган “Асака” банкини хусусийлаштириш бўйича битим имзоланди. Шунингдек, Халқаро молия корпорацияси, Осиё тараққиёт банки билан бошқа йирик банкларимизнинг трансформацияси ва хусусийлаштириш жараёнлари фаол олиб борилмоқда. Шу билан бирга дунёнинг илғор компаниялари ҳисобланган “Linde”, “Orascom”, “DataVOLT”, “Bonafam”, “PASHA holdig” каби ҳамкорлар иштирокида янги йирик лойиҳаларга старт берилди. Айтиш мумкинки, ушбу форум иқтисодий ўсишни рағбатлантириш ва инвестициявий муҳитни яхшилашга қаратилган стратегик ташаббус ва лойиҳаларни эълон қилиш платформасига айланди.

2025 йил 10-12 июнь кунлари бўлиб ўтган тўртинчи Тошкент халқаро инвестиция форумида умумий қиймати 30,5 млрд. АҚШ долларилик инвестиция ва савдо битимлари имзоланди. Ушбу халқаро форуми мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотлар ва “Ўзбекистон-2030” стратегияси ўртасидаги узвий боғлиқликни намоён қилди. Форум мамлакатнинг иқтисодий салоҳиятини намоёйиш этиш, инвесторлар билан мулоқот ўрнатиш ва инвестиция муҳитини яхшилаш учун муҳим платформа бўлиб хизмат қилади. Зеро, Президентимиз таъбири билан айтганда, биз инвесторлар учун очиқ, эркин, барқарор ва ишончли мамлакат – Янги Ўзбекистонни барпо этмоқдамиз. Бу йўлда бошлаган ва ортга қайтмас тус олган ислохотларимизни бундан буён ҳам изчил давом эттирамиз...Бизга нафақат молиявий фойда келтирадиган, балки инсон манфаатларига хизмат қиладиган инвестиция муҳити керак деб, таъкидлади.

Тўртинчи Халқаро инвестиция форуми доирасида биринчи марта Миллий инвестиция кўргазмаси такшил этилгани ҳам катта аҳамиятга эга. Унда етакчи хусусий компаниялар ўз лойиҳаларини тақдим этди. Ўзбекистон корхоналари эса ўз маҳсулотлари ва салоҳиятини халқаро инвесторларга намоёйиш этиш имкониятига эга бўлди.

Форумда 7500 дан ортиқ делегат, жумладан, 100 га яқин давлатдан салкам 3000 хорижий меҳмон иштирок этди. Ушбу форум мамлакатимизнинг иқтисодий салоҳиятини намоёйиш этиш, инвесторлар билан мулоқот ўрнатиш ва инвестиция муҳитини яхшилаш учун платформа бўлди.

Мамлакатимизда халқаро иқтисодий ҳамкорликни ривожлантириш бўйича олиб борилаётган жадал ишлар натижасида, хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналарнинг сони сезиларли даражада ошиб бормоқда.

Фаолият кўрсатаётган чет эл инвестициялари иштирокидаги корхона ва ташкилотлар сони 1 январь ҳолатига кўра 2020 йилда 10382та, 2021 йилда 11781 та,

2022 йилда 13289 та, 2023 йилда 15801 та бўлган бўлса 2024 йилда 14053 та, 2025 йилда эса 14871 тани ташкил этди. Кейинги беш йилда чет эл инвестициялари иштирокида фаолият кўрсатаётган корхоналар сони 1,4 баробар ошди.

Етакчи ўринни 3044 та корхонада тўлиқ ёки қисман улуши мавжуд бўлган Россия Федерацияси эгаллаган. Бу республикада чет эл инвестициялари иштирокида фаолият кўрсатаётган корхоналар умумий сонининг 21,7 фоиз улушини ташкил этади. Шунингдек, Ўзбекистон иқтисодийётига ўз капиталини киритаётган Хитой (улуши 16,6 фоиз), Туркия (улуши 13,4 фоиз), Қозоғистон (улуши 7,6фоиз) ва Жанубий Корея (улуши 5,2 фоиз) давлатлари ҳам етакчи ҳисобланади (Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий – иқтисодий ҳолати, 2024).

Шунингдек, чет эл инвестициялари иштирокидаги фаолият кўрсатаётган корхоналардан 3965 таси қўшма корхоналар, 10906 таси эса хорижий корхоналар ҳисобига тўғри келди.

2025 йил 1 январь ҳолатига кўра чет эл инвестициялар иштирокида рўйхатга олинган корхоналар сони 2024 йилнинг мос даврига нисбатан 818 тага кўпайиб, 14871 тани ташкил этди.

Демак, чет эл инвестициялари иштирокидаги корхоналар сонининг кўпайиши, авваламбор, мамлакатдаги сиёсий барқарорлик ва инвестиция фаолиятининг ҳуқуқий асослари такомиллаштирилгани билан боғлиқ.

Инвестиция соҳасида шаклланган ижобий динамика иқтисодийётнинг барқарор ўсишига сезиларди даражада таъсир кўрсатмоқда. Натижада мамлакатимизда 1996 йилдан бошлаб, иқтисодий ўсиш таъминланиб, унинг суръатлари ўртача 5-6 фоиздан юқори бўлмоқда. Масалан, мамлакат ЯИМ ўсиши 2019 йилда 6%ни, 2020 йилда 102,0%, 2021 йилда 7,4 % ни, 2022 йилда 5,7 % ни, 2023 йилда 6%ни, 2024 йилда эса 6,5% ни ташкил этди. 2024 йилда саноат – 6,8, қурилиш -8,8, хизматлар – 12,9, қишлоқ хўжалиги эса 3,1 фоизга ўсган. Ўзбекистон ялпи ички маҳсулоти 2024 йилда 115 миллиард долларга етди, 2024 йилда тўғридан-тўғри хорижий инвестиция ҳажми 2023 йилга нисбатан 141,5 триллион сўмга кўп бўлган (Кучаров, 2024).

Инвестициялар умумий ҳажмини ўсиши шароитида уларнинг мулк шакллари бўйича тақсимланишида ўзгаришлар кузатилмоқда. Давлат секторига йўналтирилган инвестициялар улуши 2023 йилда 2022 йилга нисбатан 3,0 % пунктга кўпайган.

3-жадвал

Асосий капиталга инвестицияларни мулк шакллари бўйича 2000-2024 йиллардаги тақсимланиши таркиби(фоизда)

Кўрсаткичлар	2000	2005	2010	2015	2018	2019	2020	2021	2022	2023	2024
Асосий капиталга инвестициялар	100	100	100	100	100	100	100	100	100	100	100
Давлат мулки	63.9	63.8	23.0	17.6	18.8	18.8	16.8	19.2	15.4	12.7	3,3
Нодавлат мулки	36.1	36.2	77.0	82.4	81.2	81.2	83.2	80.8	84.6	87.3	96,7

Манба: Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси 2000-2024 йиллардаги маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилди.

Юқоридаги жадвал маълумотларидан кўринадики, кейинги йилларда иқтисодийётнинг нодавлат сектори инвестициялар ҳажми ўсиб бормоқда, масалан, унинг ҳажми 2000 йилда 36,1 %, 2010 йилда 77%, 2021 йилда 80.8 % бўлган бўлса 2024 йилда 96,7 % га етган.

Шуни ҳам алоҳида таъқдлаш лозимки, кейинги йилларда айниқса, 2017 йилдан кейин бошқа вилоятларга ҳам асосий капиталга хорижий инвестициялар киритиш жадаллашди.

4-жадвал

**2024 йил январь-декабрь ойларида асосий капиталга ҳудудлар бўйича,
ўзлаштирилган хорижий инвестиция ва кредитлар[16]**

	Жами трлн.сўм	Шу жумладан:		
		Тўғридан- тўғри хорижий инвестициялар	Ўз.Р кафолати остида хорижий кредитлар	Бошқа хорижий инвестиция ва кредитлар
Ўзбекистон Республикаси	333,8	150,5	23,6	159,7
Қорақалпоғисон Республикаси	14,4	2,2	1,2	11,0
вилоятлар:				
Андижон	21,2	11,5	0,4	9,3
Бухоро	40,4	23,0	2,2	15,2
Жиззах	17,6	10,9	0,5	6,2
Қашқадарё	23,9	7,2	3,9	12,8
Навоий	27,6	11,0	2,5	14,1
Наманган	44,0	17,9	0,6	25,5
Самарқанд	15,1	6,4	1,3	7,4
Сурхандарё	10,1	5,8	0,9	3,4
Сирдарё	7,9	5,9	0,1	1,9
Тошкент	50,0	18,6	2,3	29,1
Фарғона	12,7	9,1	0,3	3,3
Хоразм	8,8	2,2	0,5	6,1
Тошкент ш.	40,2	18,6	7,0	14,6

Манба: Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий-иқтисодий ҳолати. 2024 йил январь-декабрь. Тошкент – 2025й. 129-бет.

Жадвалдан кўринадики, асосий капиталга хорижий инвестиция ва кредитлар 2024 йилнинг январь-декабрь ойларида 333,8 трлн.сўм (доллар эквивалентида 26,4 млрд. АҚШ долл.)ёки 2023 йилга нисбатан 52,1 % га ўсган.

Хорижий инвестиция ва кредитларнинг жами асосий капиталга ўзлаштирилган инвестициялардаги улуши 67,6% ни ташкил этди.

Тўғридан-тўғри хорижий инвестиция ва кредитлар ҳисобидан 2024 йилда 310,2 трлн.сўм ўзлаштирилган бўлса, Ўзбекистон Республикаси кафолати остида 23,6 трлн.сўм хорижий кредитлар ўзлаштирилди.

Тўғридан-тўғри хорижий инвестиция ва кредитлар ҳамда Ўзбекистон Республикаси кафолати остидаги хорижий кредитларнинг жами хорижий инвестиция ва кредитлар ҳажмидаги улуши мос равишда 92,9 % ва 7,1 %ни ташкил этди.

Тўғридан-тўғри хорижий инвестиция ва кредитлар таркибида тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар 150,5 трлн.сўм ёки жамига нисбатан 45,1 %ни, бошқа инвестиция ва кафолатланмаган хорижий кредитлар 159,6 трлн.сўмни ёки жамига нисбатан 47,8 % ни ташкил этди.

Хорижий инвестиция ва кредитлар таркибида хорижий инвестициялар 173,1 трлн.сўмни ёки жамига нисбатан 51,9 %ни ва мос равишда хорижий кредитлар 167,7% трлн.сўмни ёки 48,9 %ни ташкил қилди (Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий-иқтисодий ҳолати, 2024).

Умуман олганда, 2024 йил январь-декабрь ойларида ҳудудлар кесимида асосий капиталга инвестициялар ўзлаштирилиши бўйича тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар энг кўп ўзлаштириш Бухоро вилоятида 23 трлн.сўм, Тошкент вилоятида ва Тошкент шаҳрида 18,6 трлн.сўм ҳамда Наманган вилоятида 17,9 трлн. сўм қайд этилди (Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий-иқтисодий ҳолати, 2024).

Кейинги 7-8 йил давомида Республика ҳудудларига хорижий инвестицияларни жалб қилишда қатор ижобий ҳолатлар кузатилмоқда, бунинг I-IV инвестицион форуми натижалари ҳам тасдиқлайди.

Мамлакатимизда қулай инвестиция муҳитини яратиш, тўғридан-тўғри сармояларни фаол жалб қилиш, хорижий ҳамкор давлатлар иштирокидаги қўшма лойиҳаларни амалга ошириш, уларнинг ҳуқуқларини ҳар томонлама кафолатига алоҳида эътибор қаратилмоқда.

2024 йили хорижий инвестиция 2023 йилга нисбатан 1,6 баробар ўсиб, 34,9 млрд.долларни ташкил қилган, қиймати 10 млрд долларлик 242 та йирик ва ўрта лойиҳа ишга туширилган, экспорт илк бор 27 млрд.долларга етган. Сўнгги етти йилда киритилган 120 млрд. долларлик инвестиция ҳисобига 6 мингдан ортиқ корхоналар ишга туширилган. Жалб қилинган ҳар минг доллар инвестиция йилига ўртача 530 доллар қўшилган қиймат яратмоқда (Бобоназарова, 2025).

Олий Мажлис Сенатининг 2025 йилги ялпи мажлисида “Инвестициялар ва инвестиция фаолияти тўғрисида”ги қонун янги таҳрирда қабул қилинди. 37 моддадан иборат ушбу қонуннинг асосий мақсади қулай инвестиция муҳитини яратиш, камбағалликни қисқартириш, аҳоли соғлиғи, сифатли таълим, табиий ресурслардан оқилона фойдаланилишини таъминлаш, “яшил” иқтисодиётни ривожлантириш ҳамда амалдаги инвестиция қонунчилигини илғор халқаро стандартлар, жумладан, Жаҳон савдо ташкилотининг қоидаларига мослаштириш каби бир нечта бандларни ўз ичига олади.

Муҳтасар қилиб айтганда, юқоридаги чора-тадбирларни амалга оширилиши ўз навбатида барқарор иқтисодий ривожланишни таъминлайди, бунда албатта инвестицияларнинг ўрни ва роли беқиёсдир.

Хулоса ва таклифлар.

Ўзбекистонда инвестиция сиёсати босқичма-босқичлик тамойилларидан келиб чиқиб, муайян даражада ҳудудий шароитларни инобатга олган ҳолда амалга оширилмоқда. Таъкидлаш жоизки, мустақилликнинг дастлабки йилларида минтақаларда хорижий инвестициялар умуман жалб қилинмаган. 1995 йилдан бошлаб, аксарият вилоятлар иқтисодий алоқаларида фаоллик сезила бошлади.

Агар 1994-1995 йилларда чет эл инвестицияларининг асосий қисми Ўзбекистоннинг 14 та ҳудудий бирлигидан 4 тасига жалб этилган бўлса, 1996 йилдан бошлаб, барча минтақаларда устувор инвестиция лойиҳалари амалга оширилмоқда.

Мамлакатимизда ЯИМ нинг ўсиш суръатлари ҳам барқарор тарзда бормоқда. Масалан, 2017 йилда бу кўрсаткич 5,0 фоизни, 2024 йилдан эса 6,5, фоизни ташкил этди. 2025 йил биринчи ярим йилликда иқтисодиётимиз 7,2 фоизга ўсди.

2025 йилнинг биринчи ярим йиллиги илк натижалари ҳам иқтисодиёт барқарор ўсаётганини кўрсатмоқда. Жумладан, саноат 6,4, экспорт 18, тўғридан-тўғри хорижий инвестиция 46 фоиз ошди. Қиймати 3 миллиард долларлик 2,5 мингдан зиёд янги ишлаб чиқариш қуввати иш бошлади. Натижада 2 миллион 400 минг одам муносиб даромад билан таъминланди (Олимжонов, 2025).

Ўзбекистонда 2017-2024 йилларда ижтимоий соҳаларни эркинлаштиришга қаратилган ислохотлар натижасида ялпи ички маҳсулотнинг (ЯИМ) ўртача йиллик ўсиши 5,1 фоизни ташкил этди. Шу билан бирга, аҳоли жон бошига тўғри келадиган ЯИМ ҳажми 2020-2021 йилларда авжига чиққан COVID -19 пандемияси шароитида ҳам

тадрижий равишда 2018 йилдаги 1597 доллардан 2024 йили 3092,7 долларгача ошганки, бу камдан-кам мамлакатларда кузатиладиган кўрсаткич ҳисобланади.

Мамлакат иқтисодиётида ялпи ички маҳсулотнинг реал ўсиш суръати 2025 йилда 2024 йилга нисбатан 6 фоиз ва аҳоли жон бошига 3251 долларни ташкил этиши кўзда тутилмоқда.

Охирги саккиз йилда (2017-2024 й.й.) ялпи ички маҳсулотимиз 2 баробар кўпайиб, илк бор 100 млрд.доллардан ошгани, келгуси беш йилда бу рақам 200 млрд.долларга етиши кутилаётгани улкан ютуқ сифатида эътироф этилмоқда. Бу эса халқаро ҳамжамият томонидан “Ўзбекистон Осиёнинг янги арслони” деб номланишига сабаб бўлаяпти (Тешабоев, 2024).

Агар 1990 йилда республика ЯИМ умумий ҳажмини 38,1 фоизи иқтисодиётнинг нодавлат секторига тўғри келган бўлса 2024 йилда 80 фоиздан ортди.

Кейинги йилларда қишлоқ хўжалигига хорижий инвестицияларни жалб этиш бироз пасайган. Масалан, 2020 йилда асосий капиталга ўзлаштирилган инвестицияларнинг умумий ҳажмида қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалигини улуши 8,9 фоиз бўлган бўлса, 2024 йилда эса 6,6 фоизни ташкил этган. Бундай ҳолатнинг олдини олиш мақсадида тармоқда хорижий инвестициялар улушини кескин ошириш, бунда қишлоқ хўжадиги ва сув хўжалиги соҳаларини ривожлантиришда давлат – хусусий шериклик механизмларидан фойдаланиш лозимлигини кўрсатмоқда.

Кейинги йилларда қонунчиликни такомиллаштириш ва қулай инвестиция муҳитини яратиш бўйича кўрилаётган муҳим чора-тадбирлар натижасида хорижлик сармоядорларнинг Ўзбекистонга қизиқиши, интилиши ортмоқда.

Таҳлилларга қарайдиган бўлсак, уч йилда (2021-2023 й.й.) киритилган ҳар бир доллар инвестиция ўртача уч доллар қиймат яратган. Ёки ҳар 1минг доллар хорижий инвестиция солиқ тушумини ўртача 600 долларга оширган (Кучаров, 2024).

2025 йил 1 январь ҳолатига кўра рўйхатдан ўтган хорижий инвестиция иштирокидаги корхоналар сони 14871 та бўлган бўлса, фаолият кўрсатаётганлари эса 14053 тани ташкил этган, яъни 818 таси ишлаб чиқариш билан банд бўлмаган. Шунинг учун хорижий инвестициялар иштирокидаги қўшма корхоналарнинг фаолият кўрсатиш даражасини келгусида 100 фоизга етказиш лозим деб, ўйлаймиз. Бу эса корхоналар томонидан қўшимча маҳсулот ишлаб чиқариш ва хизматлар кўрсатишга ҳамда мамлакат ЯИМ ортишига, қўшимча ишчи кучини иш билан банд бўлишига, камбағалликни қисқартиришга, аҳоли турмуш даражасини янада яхшиланишига олиб келади.

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, юқоридаги чора-тадбирларни амалга оширилиши 2030 йилгача ялпи ички маҳсулотни йиллик ўсишини камида 6 фоиз ва унинг ҳажмини 200 миллиард АҚШ доллариға етказиш, инфляцияни 5 фоиз, бюджет тақчиллигини ялпи ички маҳсулотга нисбатан 3 фоиз даражасида сақлаш, экспорт ҳажмини 2 баробарга ошириб, 45 млрд.долларга етказишга, яқин йилларда ЖСТ га аъзо бўлишга, камбағалликни қисқартириш ва аҳоли фаровонлигини ошириш мақсадларига эришишга асос бўлади.

Адабиётлар/Литература/Reference:

Абдусаломова Н. (2024) Иқтисодиётимизнинг “ўсиш нуқтаси” Ўзбекистонни ривожланган давлатлар қаторига олиб чиқади. // Халқ сўзи, 16 февраль.

Бобоназарова Ж. (2025) Инвесторга мададкор бўлайлик. // Халқ сўзи, 2025 йил 4 февраль.

Вахобов А., Ҳажибоқиев Ш., Муминов Н. (2010) Хорижий инвестициялар. Ўқув қўлланма. Тошкент – “Молия”. 273,274,300,303 бетлар.

Гораций А.Мозес (1996) Амалий иқтисодиёт “Шарқ” нашриёт – матбаа концернининг Бош таҳририяти, Тошкент. 213-бет.

Вуломов С., Шарифхўжаев М. (2002) Бозор иқтисодиёти назарияси ва амалиёти. Дарслик. Тошкент – “Молия”. 276-277 бетлар.

Кучаров А. (2024) Куч – қудратимиз биргаликда, ҳамжиҳатликда. //Халқ сўзи, 3 август.

Мирзиёевнинг Ш. (2018) Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2018 йил 28 декабридаги Олий Мажлисга тақдим этган Мурожаатномаси. //Халқ сўзи, 2018 йил 29 декабрь.

Мирзиёевнинг Ш. (2024) Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2024 йил 2-3 май кунлари бўлиб ўтган III Тошкент халқаро инвестиция форумидаги нутқи. //Халқ сўзи, 3 май 2024 йил.

Олимжонов О. (2025) Давр нафаси. // Янги Ўзбекистон, 4-июль, 136-сон.

Рустамова Д.Д. (2006) “Иқтисодиётни эркинлаштириш шароитида хорижий инвестицияларни жалб этишининг назарий асослари ва устувор йўналишлари”, Иқтисод фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация Автореферати. Тошкент. 19-бет.

Тешабоев Т.З. (2024) Ислохотлар йўлидаги ишончли ҳамкор. //Халқ сўзи, 8 октябрь.

Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий – иқтисодий ҳолати. (2024) 2023 йил январь-декабрь. Тошкент. 346, 348-349 бетлар.

Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий-иқтисодий ҳолати. (2025) 2024 йил январь-декабрь. Тошкент –й. 116-бет.

Ўзбекистон Республикасининг иқтисодий-ижтимоий ҳолати. (2024) 2023 йил январь-декабрь. Тошкент. 124, 131-бетлар.

Шодмонов Ш., Алимов Р., Жўраев Т. (2002) Иқтисодиёт назарияси. Ўқув қўлланма. Тошкент – “Молия” 276-277 бетлар.